
ҚУВА ТУМАНИДА “ЮРТИМНИ ОБОД ЭТАМАН” ШИОРИ ОСТИДА МЕВАЛИ ҲАМДА МАНЗАРАЛИ КЎЧАТЛАР ЭКИЛМОҚДА.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 январдаги 41-Ф-сонли фармойишига асосан вилоятнинг барча ҳудудларида 2020 йил баҳор мавсумида кўкаламзорлаштириш, манзарали дарахт ва бута кўчатларини экиш ишлари тизимли ва уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

Хусусан Қува туманида жорий йилнинг баҳор мавсумида маҳалла, қишлоқ ҳамда кўчаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида 15 мингдан ортиқ манзарали кўчатлар экилди. Жумладан туманнинг Турк, Акбаробод, Саноатчилар, Хонабод, Тинчлик, Байналминал ҳамда Қорақум маҳалла фуқаролар йиғинларида экилган манзарали дарахтлар туман чиройига янада кўрк бағишлаб турмоқда.

Шунингдек туман ҳокими иштирокида ўтган “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви давомида туман ёшлари томонидан билдирилган таклифларни инobatга олиб тумандаги 7 гектар ер майдонида “Ёшлар боғи” ташкил этилиб, ушбу ерда ёшлар иштирокида хашар ўтказилиб 5 мингдан ортиқ манзарали ва мевали кўчатлар экилиб парваришланмоқда.

Жорий йилнинг 26 феврал куни “Фарғона ҳақиқати” газетасининг 16-сонида “Ҳамма кўчат экади, парвариши билан шуғулланишга келганда эса...” номли мақолада Фарғона-Андижон йўлидан Қува туманига кириб келаркансиз, дарахтларни кам учратишингиз, кўчатчилик ривожланган туманда ёзнинг жазирама кунлари мазкур йўлдан юриш азоб эканлиги танқид қилинган. Мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида туман ҳокимлиги ҳамда туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан экилган дарахтларни парваришlash юзасидан манзилли режа ишлаб чиқилиб мазкур кўчатлар ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда фермер хўжаликларига бириктириб берилди.

Бугунги кунда Фарғона-Андижон йўлида манзарали дарахтлар экиш ишлари давом этмоқда.

Қува туман ҳокимлиги

Ахборот хизмати

2020-03-19 12:46:04